



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 27 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 — 170 (12.730 — 12.731)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК, ИНДИПЕНДЕНС, ЭРКИМЛИК
23
ЎЗБЕКИСТОН

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ санаси Чилонзор туманида ҳам ўзига хос байрамона тантаналар билан кутиб олинмоқда. Туманга уюштирган сафаримиз мобайнида Чилонзор пойтахтимизнинг энг кўркем ва хушманзара масканларидан бири эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ўтган йиллар давомида янгидан янги маҳаллалар, гузарлар, йўллар, муҳташам иншоотлар барпо этилган туманда 231,5 минг нафар фуқаролар истиқомат қилмоқда.



ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ:

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



Туманда 48 та маҳалла мавжуд бўлиб, 54 та мактабгача таълим муассасалари, 2 та Меҳрибонлик уйи, 2 та боғ, учта олий таълим муассасаси, 7 та оилавий поликлиника, 6 та шифохона, 6 та маданият уйи, 28 та кутубхона, 2 та театр, битта музей ҳамда санъат саройи фуқароларга ижтимоий, маданий, маърифий, тиббий соҳаларда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Халқимизга хос бўлган одатлардан бири, бу — тўкин дастурхон ёзиб меҳмон кутишдир. Урф-одатларимизга амал қилган ҳолда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда махсулотлар-

ни вақтида етказиб бериш мақсадида бугунги кунда туманда 6 та бозор фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир жабҳадаги амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятида Чилонзор туманининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Жумладан, бугунги кунда туманда 7 та йирик саноат корхоналари иш олиб бормоқда.

Чилонзор туманида 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, истеъмол

моллари ишлаб чиқариш 11,7 фоизга, капитал қўйилмалар 0,4, пудрат ишлари 1, чакана товар айланмаси 18, жами хизматлар эса 13,9 фоизга ўсди.

«2014-2016 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида жорий йилнинг ўтган даврида туманда 144 та объектлар ишга туширилди ва 560 та иш ўринлари ташкил этилди. Худудий инвестиция дастури доирасида 2,1 млн. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 42,5 млн. долларлик товарлар ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Куз-киш мавсумига тайёргарлик юзасидан, кўп қаватли уйларнинг 11979 кв.м. том қисми мукамал таъмирдан чиқарилди, 950 та йўлак ширкатлар томонидан тасмириланди. 140 та лифтлар созланди.

Ҳозирда 65 та болалар спорт майдончаларини қуриш ва 169 та болалар майдончаларида таъмирлаш ишларини олиб борилиши режалаштирилган. 12 та спорт майдончаларини қуриш ва амалдаги 6 та майдончаларни таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ким эдигу ким бўлдик?

БУ РАҚАМЛАР ОДДИЙ РАҚАМЛАР ЭМАС...

Бирор мамлакат ҳақида гап кетганда унинг халқаро миқёсдаги ўрни, муайян кўрсаткичлар бўйича дунёда нечанчи поғонада туриши тилга олинади. Бу ўша давлатнинг салоҳиятини, ривожланиш даражасини кўрсатади.

Собиқ тузум даврида шундай маълумотларни ўқиганимизда, эшитганимизда хорижий давлатларнинг тараққиётига қўйил қоларди. Ўзбекистонимизни ҳам уларнинг сафидан ҳай олишимиз озу қиларди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз биз озу қилгандек бир неча соҳаларда илғор давлатлар даражасига кўтарилди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб жабҳалардаги натижаларни юқори баҳоламоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика қўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади. Юртимизда бу соҳа ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ўсган.

Маъмур ҳисоботда мамлакатимиз бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам юқори ўринларда қайд этилган. Лекин айнан

саноат соҳасига алоҳида эътибор қаратаётганимизнинг сабаби бор.

Маълумки, собиқ тузум даврида юртимиз фақат пахта етиштиришга иқтисослаштирилган аграр республика эди. Кам сонли завод ва фабрикалар ҳам фақат шу соҳага мослаштирилганди. Оқибатда саноат умуман ривожланмаган, юртимизда саноат махсулотлари деярли ишлаб чиқарилмас эди. Ўша пайтда Ўзбекистон киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича собиқ иттифоқда 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги махсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охириги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, замонавий саноат корхоналари ташкил этишга киришилди. Тараққий топаган мамлакатлар, машҳур компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

(Давоми 3-бетда)

ЖОРЖ КРОЛ:

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Бугунги кунда ўзаро алоқалар ушбу декларацияга асосланган ҳолда тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш принципларига мувофиқ изчил тараққий этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон тарихан қисқа даврда — мустақиллигининг ўтган йигирма уч йиллигида улкан ютуқларни қўлга киритди, — деди Жорж КРОЛ. — Мамлакатда барқарор сиёсий ва иқтисодий институтларга асос солинди, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёти, ҳавфсизлиги таъминланди. Ўзбекистон меҳнатсевар ва билимли кадрларга, шунингдек, фойдали қазилмаларга бой мамлакатдир. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг ўз Ватани ва унинг бой маданий ва маънавий мероси билан фахрланишига асос бўлмоқда. Юрт тақдирини ва келахақи учун камарбаста баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий соҳаларда туб ислохотларни амалга ошираётган. АҚШнинг мустақиллик даври Ўзбекистонидан ўн баравар кўп бўлишига қарамай, биз ҳамон сиёсий ва иқтисодий институтлар ҳамда таълим тизимини тақомиллаштириш, миллий ҳавфсизлигимизни таъминлаш борасидаги ислохотларни давом эттирмоқдамиз. Бугун дунё — барча учун, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам, АҚШ учун ҳам синов майдони. Кўплаб ўхшаш жараёнларни бошдан кечирар эканмиз, 23 йил аввал истиқлолни қўлга киритган Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган АҚШ ўзаро ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда давом этишини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг қамрови кенг. Биз минтақавий ҳавфсизликдан тортиб, савдо, иқтисодий тараққиёт ва маданий алоқаларга бўлган барча соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

АҚШ Ўзбекистоннинг чет эл инвестициясини жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. АҚШнинг нуфузли компаниялари мамлакатимизга сармоя киритгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда фаол иш юритаётган «General Motors», «The Coca-Cola Company», «Boeing» каби компаниялар ўз махсулотлари ва хизматларини тақдим этиш баробарида, аҳоли учун янги иш ўринлари ҳам яратмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун барча халқаро стандартларга жавоб берадиган савдо ва молиявий институтлари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган АҚШ компаниялари сафини янада кенгайтиришига ишончим комил.

АҚШ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2010 йилда имзоланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жорий йилнинг май ойида Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлис кишлоқ ҳўжалиги, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳамда тиббиёт каби уч йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиқнинг икки йилга мўлжалланган ҳаракат режасини белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбекистонда инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилгани туфайли АҚШ элчихонаси инглиз тилини ўргатишнинг илғор дастурларини амалга ошириш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ҳозир ушбу дастур йўналишларини янада кенгайтиришни мўлжалламоқдамиз. Элчихонамизнинг Таълим маслаҳати маркази барча хоҳловчиларга АҚШда тахсил олиш учун тегишли олий ўқув юртини танлашга ёки тадқиқотлар олиб боришга қўмаклашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2014 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасида «Ҳоким ва ёшлар» тадбирида иштирок этган йигит-қизлар мавжуд имконият ва имтиёзлар хусусида маълумотларга эга бўлди. Ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли соҳа мутасадди ва мутахассисларидан атрофича жавоб олди. «Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёшлар нигоҳида», «Мустақиллик марафони», «Сенатор билан учрашув», «Ўзбекистон — ягона уйимиз» каби мавзуларда ўтган тадбирлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрамига бағишлаб «Ранглар жилосида — Ватан қиёфаси» деб номланган кўргазма очилди. Унда қорақалпоғистонлик мўйқалам усталарининг элликака яқин асарлари намойиш этилмоқда.

● Энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида Фарғона туманидаги «Чимён» сихатгоҳида қайта реконструкция қилинган бинолар фойдаланишга топширилди.

● «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан комбинатнинг мартен пўлат эритиш цехида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. «Мустақиллик — энг олий неъмат» деб номланган тадбир комбинат касабга уюшма қўмитаси ҳамда Бекобод шаҳар Маънавият тарғибот маркази вакиллари ҳамкорлигида ташкил қилинди.



● Кеча Жанубий Судандаги жанговар ҳаракатлар кетаётган ҳудудда БМТ тинчликпарварлик миссиясига тегишли вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

● АҚШнинг Калифорния штати маркази бўлмиш Сан-Франциско шаҳри яқинида содир бўлган 6,1 балли зилзила ва ундан кейин 60 мартадан кўпроқ юз берган 3,6 баллгача бўлган ер силкинишлари оқибатида бир нечта шаҳарчаларда минглаб бинолар, бир нечта тарихий иншоотларга шикаст етган, 50 мингдан ортиқ хонадон электр таъминотисиз қолган. Штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

● Венесуэлада нархи давлат томонидан белгиланган махсулотларнинг танқислиги туфайли эндиликда ушбу мамлакатда бундай товарлар савдоси бармоқ излари асосида амалга оширилади. Бунга яна бир сабаб шундаки, мамлакатдаги ана шундай махсулотлар қўшни Колумбияга контрабанда сифатида жўнатилаётгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бор.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



Тиббиёт



САЛОМАТЛИК МЕЗОНЛАРИ

**Жорий йилда тумандаги 33-оилавий поликлиника
жамоаси томонидан кенг қамровли ишлар амалга
оширилди.**

1969 йилда ташкил қилинган тиббиёт муассасаси Чилонзор туманининг Фарход кўчасида жойлашган бўлиб 30 минг 150 нафар аҳолига хизмат кўрсатади.

— Поликлиникамиз туман бўйича ёш келин-куёвлари оила қуришлари олдидаги тиббий кўриқдан ўтказиш, ёшларнинг оилага тайёроллаш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қатъий ёндашиб иш олиб бормоқда, — дейди бош шифокор Абдукарим Муродов. — Шифокорларимиз нафақат ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш, балки кейинги ҳаётларида асқотадиган маслаҳатлар ва йўл-йўриқларни бериб бориш билан бирга, мунтазам равишда улар учун маҳаллар ҳамкорлигида турли тадбирларни ҳам ташкиллаштирмоқда. Ёш оналарга эътибор, уларнинг соғликларини назоратга олиш, соғлом фарзанд дунёга

келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларнинг олдини олиш мақсадида вақтида эмлаш борасида амалга оширилаётган ишлар негизда оналик ва болаликнинг бахтли ҳаёти муҳассам.

Маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар, нафақат оналар ва болалар, балки барча фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилашга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилмоқда.

Ушбу оилавий поликлиника барча қўлайликларга эга бўлган тиббий муассаса ҳисобланиб, айни пайтда 5 та маҳаллани қамраб олган. 46 нафар шифокорлар ва 82 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатмоқда. Поликлиниканинг 2 та филиали мавжуд. Биринчиси 2004 йилда ташкил қилинган бўлиб «Тирсақобод» маҳалласида жойлашган 4125 на-

фар аҳолига хизмат кўрсатади. Маҳаллада 2 нафар шифокор, 4 та ҳамшира ва 2 та кичик тиббий ходим фаолият олиб боради. «Бешкўрган» маҳалласида жойлашган иккинчи филиал эса 2000 йилда қурилган бўлиб, 5476 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади.

Жорий йилда «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида поликлиника қатор янги тиббий ускуналар билан таъминланди.

Фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида филиалларда саломатлик ҳафталик кунларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил қилинган.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида поликлиникада кенг ҳажмдаги таъмирлаш ишлари олиб борилди. Хоналарнинг жиҳозлари, иссиқлик тизими капитал таъмирдан чиқарилди.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**Чилонзор туманида 230 минг 200 нафар аҳоли
истиқомат қилади.**

Тумандаги 4 та академик лицей, 13 та касб-хунар коллежлари ва 32 та умумтаълим мактаблари ёшлар камолотида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

2014 йилнинг июнь ойида ўтказилган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалласи маслаҳатчиси Шарофат Абдиева биринчи ўринга сазовор бўлди.

«Йилнинг энг яхши тарбиячиси — 2014» кўрик-танловининг Республика босқичида 534- мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Наргиза Гулямова ғолиблар сафини бошқарди.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг Республика босқичида 178-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Римма Атабаева иккинчи, 162-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Ширин Ниязметова эса биринчи ўринни эгаллади.

Туман бўйича бандлик дастури доирасида олти ой мобайнида 9159 та янги иш ўринлари яратилган.

**1991 йилда ташкил топган «Ботирма» маҳалласида
бўлганимизда Энг улук, энг азиз байрам арафасида
кўчаларнинг асфальтланиб, 3 та болалар майдончаси
таъмирланиб, 41-кўп қаватли уй олдига болажонлар
ўйингоҳи қурилганига гувоҳ бўлдик.**

МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

— Маҳалламиз туман микёсида ўзига хос нуфузга эга гўшалардан биридир, — дейди «Ботирма» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Махмуд Қосимов биз билан суҳбатда. — Бунга кўчаларнинг ободлиги, кўркам ва шимиллиги, хонадонлар аҳлининг тинч-тотув ҳаёти, катталар хурматда-ю кичиклар иззатдонилиги, энг муҳими, бир-биримизга меҳр-окибат мужассамлиги ту-

файли эришдик. Зеро, маҳалладан ҳаёт бошланади, тақдирлар тақдирларга уланади ва келажақ истиқболига оилаларнинг бахтиёр кунлари улашиб кетаверади.

Дарҳақиқат, беш минг нафар аҳолини бирлаштириб турувчи мазкур маҳалла юқорида таъкидлангандек истиқлолимизнинг йигирма уч йиллигини ўзига хос муваффақиятлар билан қутишга шайланган.

**Жаҳон стандартларига жавоб берадиган илғор ускуналар билан
таъминланган «ПГС» хусусий корхонаси туман ҳудудида 1993
йилдан буён фаолият юритмоқда.**

Иқтисодиёт

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Корхонада турли хил новвойхона печлари, инсон саломатлиги учун зарур бўлган сополдан ясалган электр сандаллар, ўлчамлари хар хил бўлган электр қозонлари, ўчоқлар, электрли сауналар, ўқаловчи қаравотлар каби жами 28 хил турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Давр талабига жавоб берадиган сифатли ва қўлай махсулотларни аҳолига етказиб бериб, мамлакатимиз иқтисодиётининг

ўсишига имкон қадар ўз ҳиссасини қўшаётган «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг нуфузи хорижий мамлакатларда ҳам ошиб бормоқда.

Корхона «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар ва Республика босқичларида ғолиб бўлиб диплом ва махсус совғалар билан тақдирланган. Шунингдек, «ПГС» хусусий корхонасига Тошкент саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида махсус сертификат топширилган.

Таълим

БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

1-Республика тиббиёт касб-хунар коллежида бўлганимизда бунга яна бир қарра амин бўлдик. «Тиббиёт ҳамшираси», «Фармацевт ассистенти», «Даволаш иши» каби йўналишларда фаолият олиб бораётган ўқув муассасасида 125 нафар малакали ходимлар ишлайди.

Замонавий педагогик ва ахборот технологияларига асосланган дарс усули ҳамда уларга доир тарқатма материаллар, технологик хариталар барча педагогик ходимлар томонидан ишлаб чиқилган, уларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши йўлга қўйилган.

— Мақсадимиз ёшларнинг тиббиёт соҳасини чуқур эгаллаши, келажақда ўз касбининг етук ва билимдони бўлиб етишиб чиқишини таъминлашдир. Зеро, инсон саломатлигини асраш ва яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир, — дейди 1-Республика тиббиёт коллежи директори Мавлуда Зияева.

**Бугунги кун ёшлари ўз билимларининг юксак натижаларини дунё
мамлакатлари нигоҳида ҳам кенг намоён этиб, улкан ютуқларни қўлга
киритишларида таълим олаётган масканлари ва уларда яратилаётган шарт-
шароитларнинг аҳамияти каттадир.**

Ўқув масканида 132 та компьютер мавжуд бўлиб уларга бешта синф хоналари ажратилган, ахборот-ресурс марказида 40 ўринга мўлжалланган қироатхона бор. 263 та электрон дарсликлар билан таъминланган таълим муассасасида барча ўқув адабиётларидан намуналар, электрон қўлланмалар ва педагоглар томонидан тайёрланган маъруза матнлари ўқувчилар ихтиёрида. Мутахассислик фанларидан 18 та тренинг хонаси ташкил этилиб, ушбу хо-

налар Япониянинг «ЛСА» агентлиги асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Физика, кимё ва биология ўқув хоналари «ЕЛ» фирмасининг тиббиёт анжомлари билан таъминланган бўлиб ўқитувчилар ҳар бир жиҳоздан фойдаланиш бўйича етарли даражада услубий кўрсатмалар яратганлар.

2013-2014 ўқув йилида коллежи 678 нафар ўқувчи битирган бўлиб уларнинг ҳаммаси билан уч томонлама шартнома имзоланган.

Саҳифа материалларини Гулчехра ДҲРДИЕВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЖОРЖ КРОЛ: ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) қишлоқ ҳўжалиги самарадорлиги ва фермерлар даромадини ошириш, ферма-бозор иқтисодий занжиридаги корхоналар фаолиятини мустаҳкамлашга оид дастурларни молиялаштириш билан шуғулланади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида фермер ва мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, икки томонлама ва минтақавий ишончли савдо алоқаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорлиқни фаоллаштиришга оид қатор лойиҳаларни амалга оширдик.

Жорий йилда АҚШ расомлари, экспертлари, ёзувчи ва мусиқчиларининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш билан бир қаторда Маданий меросни асраб-авайлаш бўйича Элчи жағғармаси томонидан Самарқанднинг «Афросиёб» музейидаги «Элчилар суратлари»ни қайта тиклаш ишлари молиявий қўллаб-қувватланди. Ўзбекистонга маданият соҳаси мутахассислари ташрифини мунтазам амалга ошириш элчихонамиз учун аънаънага айланган. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида маданиятлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, турли учрашувларни мунтазам ўтказиш ниятидамыз.

— Мамлакатларимизнинг парламентаризмининг ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги ҳамкорлиги, ўзаро тажриба алмашинувлар ва мулоқотлар самараларини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон ва АҚШ парламентлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз парламентлари делегацияларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилимоқда. Бу парламентаризм соҳасида тажриба алмашиш учун яхши имконият яратмоқда.

АҚШ Конгресси аъзолари ва вакиллари Ўзбекистонга расмий ташрифлари доирасида икки мамлакат ҳаммасларини мулоқотини қонунчилик соҳасида янада фаоллаштиришга қизиқиш билдирди. Ўзбекистон — АҚШ судьялари ва амалиётчи юристлари алмашинуви амалга ошириш орқали юридик таълим соҳасидаги икки томонлама алоқаларни фаол ривожлантиришга эришилмоқда. Ўзбекистон, АҚШ ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида оммавий ахборот воситалари билан суд тизимининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид қатор тадбирларни ўтказдик.

2013 йили Самарқандда «Парламентаризмининг ривожлантириш» Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция уюштирилди. Унда ижро ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларини баҳарлаш услубида парламент назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш, парламентнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари белгилан олди. АҚШ Конгресси аъзолари ва сенаторларининг мамлакатимизга ташрифлари янада фаоллашди, деб умид қиламан. Зеро, бундай алоқалар ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр билдирсангиз.

— Президент Ислам Каримов таъкидлагандек, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил таъбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича қатор долзарб чора-тадбирларни қўришга қаратилган.

Биз бу борада амалга оширилаётган ислохотларни, фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш, Конституция ва халқаро мажбуриятларда кафолатланган фикрлаш ҳамда сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни юқори баҳолаймиз. АҚШ Ўзбекистонда мамлакат аҳолиси, айниқса, тадбиркорларга қўрсатилаётган интерактив давлат хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида «Электрон ҳуқуқ» тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, ижтимоий шериклик ва ижтимоий назоратга оид қонунчилик мамлакатининг демократик давлат сифатида янада тараққий этишига хизмат қилади.

— Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлиқни таъминлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— АҚШ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги сийосатини қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистон билан минтақавий барқарорлиқни таъминлаш, терроризм, гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг қонуний савдо-сига қарши курашиш йўлида ҳамкорлик қилиб келаётимиз. Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини, шунингдек, у ердаги АҚШ харбийлари учун транзит ташишларни амалга оширишда қўрсатаётган қўманини юксак қадрлаймиз.

Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ташаббус жорий йилда тўлиқ амалга оширилгани — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколнинг имзоланганидан хурсандимиз. Икки стратегик ҳамкор — Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида хавфсизлик масалаларида оид ўзаро маслаҳатлашувлар қамрови янада кенгайиб, мустаҳкамланиб ва фаоллашиб бормоқда.

АҚШ Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро манфаатдорлик ва ошқораликка асосланган конструктив мулоқоти минтақада барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилишига ишонади. Биз бу йўналишдаги барча конструктив саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатининг мустақиллигининг 23 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Мазкур миллий байрам муносабати билан энг яхши тилакларимни, самимий қутловларимни йўллайман. Халқингизга тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!
Ноҳира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди.



«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази «Ўзбекистон: мустақилликнинг 23 йили» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Унда барча ижтимоий гуруҳ ва киллари, жумладан, ёшлар, пенсионерлар, турли миллат ва элат вакиллари, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Тадқиқот шунинг кўрсатдики, мамлакатимиз фуқаролари мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кўтаринки кайфият, Ватандан ифтихор туйғуси ва келажакка ишонч руҳида қўтиб олмоқда. Сўров қатнашчиларининг фикрича, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларимиз ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш давомида олинган натижалар ҳам бундан далолат беради. Фуқароларнинг 87,4 фоизи мамлакатимизда долзарб муаммоларни ҳал этиш учун зарур ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратилганини таъкидлаган. 86 фоиздан зиёди ўзи ва оиласининг ижтимоий мақоми юксалганини қайд этган бўлса, 70 фоиздан ортиғи ўз маълумоти даражасини оширган, ўз бизнесини ташкил этган ё фермер бўлган.

Сўровда жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқароларнинг мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлардан қониқиб ҳосил қилаётгани кузатилади. Тадқиқот доирасида қатнашчиларнинг 96,4 фоизи иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатлари ривожланиб бораётгани, 94,7 фоизи фуқаролар, аввало, пенсионерлар, болалар, хотин-қизлар ва ногиронлар юқори даражада ижтимоий ҳимояга олингани, 95,9 фоизи инсоннинг шахсий ҳаётининг таъминлаш даражаси ўсгани, 95,4 фоизи кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилгани, 91,1 фоизи таълим ва тиббий хизматлардан фойдаланиш самарадорлиги ошгани, 96,9 фоизи аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатилаётгани, 93,6 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани ҳамда ҳимоя қилинаётгани, 92,3

фоизи атроф-муҳит, жумладан, ер, ичимлик сув, ҳаво мусоффолигини ҳимоя қилиш борасида юқори натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Сўров натижалари асосий устувор соҳалар сифатида белгиланган таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар иқтисодиётни янгилаш, демократик ислохотларни амалга ошириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганидан далолат беради.

Олинган маълумотлар фуқароларимиз хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятда мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, оналик ва болалик-

ГУРУРИМ, ИФТИХОРИМСАН ВАТАН!

ни муҳофаза қилиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни юқори баҳолашни кўрсатди. Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти истиклол йилларида жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан ҳурмат ва уларнинг оила, жамият, мамлакат олдидаги шахсий жавобгарлиги ошгани, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги юқалиб бораётганини таъкидлади. Атроф-табиий муҳитни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Сўров натижаларига кўра, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда фуқаролар онги, тафаккури ва ахлоқида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани аён бўлди. Тадқиқот истиқлол йилларида жамиятимизда шахснинг маънавий ҳислатлари мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳамда унинг салоҳияти юқалиб бораётгани, ҳақон ҳамжамияти Ўзбекистонни тан олгани билан ҳамоман равишда юқалиб бораётганини кўрсатди. Жамоатчилик онгида

янги авлодни ижтимоий фаоллаштириш жараёнини ифода этадиган янги ҳусусиятлар пайдо бўлмоқда. Фуқароларимизнинг дунёқараши ва тафаккури ўзгариб, сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва фаоллиги юқалиб бораётгани ушбу ютуқларнинг муҳим омилдир.

Мамлакатимизда қарор топган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорлик, ижтимоий, миллатлараро ва шахсий манфаатлар мувозанати 23 йиллик мустақил иқтисодий ва ижтимоий тараққиётимиз асосини ташкил қилади. Сўров фуқаролар энг асосий ютуғимиз — тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлиқни сақлаш, жамиятимизда дўстлик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, оғоҳлик ва ҳушёрликни янада кучайтириш лозимлигини теран англашни кўрсатди. Иштирокчиларнинг 90 фоиздан зиёди мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг муҳим ютуқ деб билади.

Мамлакатимиз аҳолиси Президентимиз томонидан юритилаётган яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсат, дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни фақат тинч йўл — сиёсий музокаралар орқали ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги принципиал позицияни тўлиқ қўлаб-қувватлайди.

Муҳтасар айтганда, фуқароларимизнинг фикрича, истиклол йилларида мамлакатимиз юзага келаётган қийинчиликлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳавф-хатарларни муваффақият билан енгиб, сиёсий модернизация ва иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Ўзбекистон аҳолиси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳар томонлама маъқуллаш, улар ҳаётга изчил таътил этилаётганини юқори баҳолайди. Юртимизда тинчлик-барқарорликни сақлаш мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш ва мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонади.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎЗА шарҳловчиси М.МАМЕТОВА тайёрлади.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

«Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирини кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга izzat, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб ғазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади».

Давлатимиз раҳбарининг жамиятнинг бош бўғини — оилага берган юқоридаги таърифидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келажак насллар тақдирини яхши маънода кучли таъсир кўрсатувчи тарбия маскани аввало соғлом бўлиши керак. Зеро, келажакимиз таянчи баркамол ёшлар, соғлом болалар, таъкидланганидек, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Шу ўринда оиланинг соғлом бўлиши қандай омилларга боғлиқ эканлиги ҳақида мулоҳаза қилиб кўрайлик...

Аввало, ота-оналарнинг ўзи ҳар томонлама соғлом, маънаван етук, одоб-ахлоқ, маданият борасида фарзандларига ибрат бўла олиши зарур. Қолаверса, ана шу оилалар шаклланаётган хонадон, маҳалла ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасидаги яқин, дўстона муносабат, муҳитнинг ўрни ва таъсири катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Фалончининг ўғли чет эл русумидаги машина миниб юрибди, — дейди ўғил ўз отасига, — Нега менда йўқ! Ахир сиз ҳам «катта» ишда ишлайсизку! Қўшинининг ҳеч қаерда ишламайдиган, ўқини ҳам ёлчитиб ўқимаган тантиқ ўғлига ҳавас қилаётган ношуд ўғилнинг дунёқараши салбий томонга ўзгариб қолганини пайкамай қолган ота ҳақида нима дейиш мумкин? Ўйлаб қаралса, барча иллат оиладаги сусткашлик, лоқайдлик эмасмикан? Фарзандининг ноўрин шикоят, таънаси отани ўйлантириб қўйганлиги шубҳасиз. Лекин, кўпинча ишда қолиб кетадиган ота ўрнини тўлдириб, йўқлигини билдирмай турадиган онанинг ҳам маънавий олами ҳаминча қадар, фикр доираси тор бўлса, у ҳам «қачон биз ҳам одамларга ўхшаб яшаймиз?» деб турса, бундай оилани «соғлом» деб бўлармикан?! Демак, ўғлига тўғри тарбия беролмаган ота-она, унинг но-боп йўлга кириб бораётганини жуда кеч бўлгандагина пайкаб, афсус, надомат чекади. Аммо, бу бефойда. Бебошлик кўчасига кирган ўсмир нафақат оиласи, балки бошқаларнинг ҳам тинчини ўғирлайди, натижада жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллат ботқоғига бота бошлайди.

Қасб тақозоси билан кўпгина но-хуш воқеаларга гувоҳ бўламиз. Қизиқ, нима учун, соғлом оила, соғлом бола масаласига давлат сиёсати даражасида қаралаётган бўлсаю, ажримлар сони кўпаяёт-

гани ҳақидаги гаплар бот-бот қулоққа чалинмоқда. Ортиқча ҳою-хавас, манманлик, дабдабага берилиш, болаларни хаддан ортиқ талтайтириш ёки, аксинча, фарзанд тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, назоратсизлик бу иллатларнинг урчишига сабаб бўлмаяптими?!

Ўз ота-онасига, оила бюджетига нописанд фарзанд жамиятга, жамоатга ҳурмат билан қарай оладими? Бу ўринда тақдор ва тақдор Юртбошимизнинг маънавият инсон учун энг зарур омил эканлиги ҳақидаги фикрлари ёдга тушади.

Қолаверса, бола тарбиясига кескин таъсир кўрсатаётган интернет-даги ноҳио маълумот, хабарлардан эҳтиётлаш аввало, ота-онанинг бурчи эмасми? Давлатимиз раҳбарининг соғлом бола тарбияси ҳақидаги кўрсатмалари айнан мана шу жиҳатларга жиддий эътибор бериш зарурлигини уқтиради.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарор асосида, дастур ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган 8 та қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши — соғлом бола тарбияси шу қуннинг энг долзарб, устувор масаласи эканлигидан далолатдир.

«Болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида», шунингдек, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган қонунлар ижроси эса ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол авлод тарбияси йўлида оила ва жамият соғломлигини таъминлашга қаратилган. Бундай саъй-ҳаракатлар негизини аввало ҳар бир ота-она, оила, хонадон, маҳалла, мактаб, коллеж, институт ва барча жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ташкил этади. Шунда тарбияси оғир бола, носоғлом оила, ажрим, воғая етмаганлар жинояти, одам савдоси деган муаммолар ўз ечимини топиши шубҳасиз.

Ойбек МИРТЕМИРОВ,
Шайхонтоҳур тумани
прокурори

БУ РАҚАМЛАР ОДДИЙ РАҚАМЛАР ЭМАС...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун юртимизда юсак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда кенг турдаги махсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Халқимиз эҳтиёжи тўлиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобидан қопланмоқда. Юқори сифатли, рақобатбардош махсулотларимиз ички бозорни тўлдирди билан бирга экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Кўп эшитганмиз: илгари юртдошларимиз мабодо чет элга бориб қолса, Ўзбекистонни билмаган хорижликлар «у ерда нималар бор», деб сўраб экан. Ҳамма биринчи навбатда «пахта» дея жавоб бераркан. «Яна-чи» деб сўраб қолишса, юртдошларимиз тайинли гап тополмай, мавзунини бошқа томонга бураркан.

Бугун мамлакатимизни ҳамма танийди, муваффақиятларимизни тан олмоқда, тўғрироғи, тан олишга мажбур бўлмоқда. Энди чет элликлар Ўзбекистонда нималар бор деб эмас, нима йўқ, деб сўраса тўғрроқ бўлади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захира-лати» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик меҳмон бир ҳамкасбимиздан юртингизда нима ривожланган, деб сўради. Шунда у Ўзбекистонда инсон манфаатларига эътибор, одамлар учун зарур ҳамма нарса бор, деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда инсон учун зарур барча нарса муҳайё. Дастуронимиздаги ноз-неъматлар, эғнимиздаги кийим-кечак, оёғимиз остидаги машина — барча-барчаси юртимизда ишлаб чиқаришмоқда. Авваллари оддий гуғурт ёки кундалик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун замонавий автомобиллар, телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника махсулотлари ишлаб чиқармоқда. Юртимизда дунё миқёсида ҳам ноёб саналган йирик саноат комплекслари бунёд этилаётди.

Биргина Устюрт газ-кимё мажмуаси нуфузли халқаро нашрлар, етакчи экспертлар томонидан бир неча бор йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этилди. 2014 йил 13 мартда яна бир халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» мукофоти билан тақдирлади.


2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида юқори қўшимча қийматга эга, рақобатдош махсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат махсулотларининг 78 фоиздан ортиғи ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизни, қурилиш материаллари саноати 113,6, енгил саноат 113 ва озиқ-овқат саноати 109 фоизни ташкил этгани ҳам мамлакатимиз саноати ривожини намоян эътиди.

Энди айтинг, агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқариш, жумладан, саноатни ривожлантиришга эътибор қаратилмаганида бундай натижалар бўлармиди?! Юртимизнинг энг кичик туманларидан бири — Асакани дунё танирмиди?! Қорақалпоғистоннинг олис бурчида дунёдаги ноёб завод қурилди?! Мустақиллик туфайли юртимиз салоҳияти юзага чиқди. Бир пайтлар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа билан қараганлар бугун ютуқларимизни тан олмоқда, биздан ўрганмоқда.

Албатта, бундай улкан натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Ҳеч нарса ўздан ўзи осмондан тушмайди. Бу рақамлар тамирида оқилона иқтисодий сиёсат, тинимсиз меҳнат ва қатъият муассам. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритилаётган, бутун дунёда эътироф этилаётган марралардан ҳар қайсимиш фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳаққимиз. Бундай муваффақиятларнинг барқарор ва бардавом бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшимиз жоз. Чунки унинг қувончи ҳам, таъшиши ҳам ўзимизники. Шу азиз Ватан — барчамизники!

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



ЮРТ ОБОД, БОЗОРЛАР ТЎКИН

Замонавий қиёфа касб этиб, хизмат кўрсатиш маданияти юксалган бозорларимиз мустақиллик байрами арафасида янада гавжумлашган. Қишлоқ хўжалик махсулотлари ярмаркаси улардаги файз ва тўкинликни оширмоқда. Бунинг жойларда давом этаётган қишлоқ хўжалик махсулотлари ярмаркалари нисолида кўриш мумкин.

«Тошбозорсавдо» уюшмасидан маълум қилишларича, Тошкент шаҳридаги мавжуд бозорлар шаҳар аҳли ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат махсулотларини шаҳарга арзон нархда келтириш, сотувчию харидорларга кенг қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир деҳқон бозори ҳудудида савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Қўйлик деҳқон бозори»да Наманган вилояти фермер хўжаликлари вакиллари йигирмадан ортиқ турдаги мева-сабзавот ва полиз махсулотлари савдосини йўлга қўйган.

Наманган вилояти фермерлари жорий йилда пойтахтликлар дастурхонига қарий икки минг тонна қишлоқ хўжалик махсулотлари етказиб беришни режалаштирган. Шу кунгача 100 тоннага яқин пиез, картошка, қовун-тарвуз, олма, шафтоли, узум ҳамда гўшт аҳоли томонидан харид қилинди.

Хўжалигимизда етиштирилган махсулотлар пойтахтлик харидорларга манзур бўлаётганидан хурсандмиз, — дейди Наманган туманидаги «Аҳадхон Инобатхон Воҳиджон» фермер хўжалиги раҳбари Воситхон Абдуллаев. — Интенсив боғимиздаги олмадан мўл ҳосил олдик. Қорвачилқидан ҳам яхши даромад кўраётимиз. Меҳнатимиз туфайли етиштирилган махсулотларимизни ҳамюртларимизнинг байрам дастурхонига тўхфа қилишдан мамнунмиз.

Бозорларимиздаги тўкин-сочинликдан кўз қувнайди, — дейди Санамхон Саидаб-ророва. — Айниқса, байрамлар арафасидаги савдо ярмаркалари аҳолига янада кенг қулайлик яратаётди. Уларда сотилаётган шафтоли, олма, тилин ёраб узум ёғат мазали. Махсулотлар сифатли, нархи эса анча арзон. Ҳар кун бу ерга ке-

либ янги узилган мева, қовун-тарвуз харид қиламиз.

Албатта, бундай фаровонлик ва мўл-қўлчилик ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бунинг замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб, халқ манфаати ва юрт истиқболи йўлида амалга оширилаётган изчил ва босқич-ма-босқич ислохотлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, захматли меҳнати, азму шижоати муҳассамдир.

Ўзбекистон бугун, ун, мева-сабзавот, қуруқ мевалар, узум, полиз махсулотлари каби ўта зарур озиқ-овқат товарлари билан ўз эҳтиёжини тўлиқ таъминламоқда. Аҳолининг гўшт ва сут махсулотлари, гурч, картошка, сабзи, пиезга бўлган талаби ўзимизда етиштирилган ва ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳисобидан қопланмоқда. Бозорларимиз йилнинг барча фаслида бирдек тўкин-сочин бўлиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Бозорларимизда бу йил ноз-неъмат ҳар қачонгидан сероб, баҳоси ҳам арзон, — дейди ЎЗА муҳбирига Нилуфар Қосимова. — Пишиқчилик даврида бевосита даладан олиб келинаётган махсулотларнинг энг сарасини танлаб олганга нима етсин. Буларнинг барчаси оилалар мустаҳкам-лиги, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишига хизмат қилади.

Халқимизнинг Энг улуг, энг азиз айёми — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган савдо ярмаркалари пойтахтимиз бозор-лари ва туман марказларидаги савдо расталарида жорий йилнинг 5 сентябрга қадар давом этади.

Сайёра ШОЕВА

Реклама ўрнида

**“SILVER NILE” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ**



Энг улуг ва азиз айём — Ватанимиз
Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами
билан самимий кутлайди.
Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик,
кут-барака, оилавий бахт-саодат тилаб
қолади. Байрамона кайфият ҳаммамизни
ҳеч қачон тарк этмасин.
Юртимиз бундан-да гуллаб-яшнасин,
Мустақиллигизга кўз тегмасин.

**БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА БОЛАЛАР-
ЎСМИРЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАСИ СПОРТ
МАКТАБИ ЖАМОАСИ**

*Мустақиллигимизнинг йигирма
уш йиллиги шодийналари билан
барча ҳамшаҳарларимиз ва
пойтахтимиз меҳмонларини
муқдоракбод этади.*

Келажагимиз пойдевори бўлмиш ёш авлоднинг спортга
қизиқиши янада ошиш, Ватанимиз ёшларининг соғлом ва
бақувват, баркамол тарзда вояга етишларига тилак
билдиради. Спортчиларимизнинг Ўзбекистон номини дунёга
таратишларига улкан зафарлар тилаб қоламиз.

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

файз-марофат билан кутиб келаётган Энг улуг, энг
азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма уч
йиллиги билан самимий тилакларни изҳор этган
ҳолда қутлаймиз.

Хонадонингизга қут-барака, тўкин-сочинлик,
оилангизга бахту саодат тилаймиз.



Кун сайин раванқ топиб бораётган тинч ва
осойишта юртимизни байрамона кайфият йил бўли
марк этмасин!

**“ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Энг улуг, энг азиз байрам барчамизга
муқдорак бўлсин.

*Жонажон Ўзбекистонимизнинг
шўхратини ошириш йўлида амалга
ошираётган қизгин савий-ҳаракатларингиз
ҳамиша ўз самарасини берсин. Ўстикболли
порлоқ, келажаги ёрқин ёшларимиз
жамиятимизнинг содиқ фарзандлари бўлиб
камолга етсин.*



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

Реклама ўрнида

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ЮРТИМИЗНИНГ ТАБАРРУК КЕКСАЛАРИЮ ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ ЁШЛАР!

*Барчангизни тобора яқинлашиб
келаётган Энг улуг, энг азий айём —*

*Мустақиллигимизнинг
23 йиллиги шодиёналари билан самимий
муборакбод этамиз.*

*Сизларга узоқ умр, хуш кайфият
тилаймиз. Тинчлигимиз, дориломон
кунларимизга кўз тегмасин.*

*Омборларимиз донга,
дастурхонларимиз файзу барақага
тўлиқ бўлсин.*

**“МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОШКЕНТ
ШАҲАР БЎЛИМИ БОШҚАРУВИ ЖАМОАСИ**

“ХУВАЙДО МЕБЕЛ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*халқимизнинг Энг улуг, энг азий
байрами — давлатимиз
Мустақиллигининг 23 йиллиги
муносабати билан барча
ҳамшаҳарларимизни қизгин
муборакбод этиб, энг самимий
тилакларини изҳор қилади.
Толеингиз баланд, умрингиз узоқ,
ризқу насибангиз зиёда бўлсин!*

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизни улуг айём – давлатимиз
Мустақиллигининг 23 йиллиги
байрами билан самимий
табриклаймиз.

Ватанимиз равнақи
йўлидаги фаолиятингизга
янгидан янги зафарлар тилаймиз!

**“ROS STANDART INVEST” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

“12-АВТОБУС САРОЙИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги
байрами билан қизгин муборакбод этади!*

*Хонадонимизни қут-барақа,
қалбимизни эзгулик ва шукроналик
туйғуси асло тарк этмасин.
Байрам барчамизга муборак бўлсин!*

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

*эркин, ҳуқуқий-демократик давлати барпо этилишида
қизининг муносиб ҳиссасини қўшаётган барча
юртдошларимизни*



Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами билан
қизгин табриклайди.



**Буюк ва муқаддас Ватанимизга тинчлик ва
осойишталик, халқимизга қувончли кунларни тилаб
қолади!**

Реклама ўрнида

«ИСТЕЪМОЛДА БЎЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР СЕРГЕЛИ БОЗОРИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимиз
ва пойтахтимиз меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги
байрами билан муборакбод этади.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
кўнглимиз орзу-умидларга тўлиқ бўлсин.
Тинчлик ва хурлик айёми қутлуғ бўлсин, азизлар!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни Ватанимиз
Мустақиллигининг 23
йиллиги байрами билан
самимий қўлаймиз.

**СИЗЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ
САОДАТ, ХОНАДОНИГИЗГА ТИНЧЛИК ВА
ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙМИЗ.**

Қалбимиздан байрам
изгисиз ҳеч қачон арилмасин!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ
ЖАМОАСИ**



“O’ZSTANDART” АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

КАДРАИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрами билан муборакбод этади.
Ҳаётимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлигига кўз тегмасин.
Барча орзу-истакларингиз рўёбга чиқиб, режаларингиз амалга ошсин!

“Ўзстандарт” бошқармасининг
Ишонч телефони: 242-12-35
Бошқармада “Очиқ эшиклар куни”
ҳафтанинг ҳар жума кунлари ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни халқимизнинг энг
улуғ ва қутлуғ байрами –
Мустақиллигимизнинг
йигирма уч йиллиги билан чин
қалбдан самимий муборакбод
этамиз.

Юртимизни юксалтириш,
унинг қудратини ошириш,
янада обод этиш йўлидаги
ишларингизга улкан
ютуқлар тилаймиз.

Ўйлаймизки, корхонамизда
ишлаб чиқарилиб, шаҳримиз
дўконларида сотилаётган тез
тайёрланадиган макарон
маҳсулотлари байрам
дастурхонингизни безайди

“OZODXON GLORY” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Маҳсулотлар сертификатланган

АЗИЗ ЮРДОШЛАР!

Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами –
Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёналари
билан барчангизни дилдаги эзгу тилакларни изҳор
этган ҳолда самимий муборакбод этамиз.

Юртимиз обод, оилаларимиз мустаҳкам,
дастурхонларимиз тўкин, Ватанимиз тонглари
ҳамиша мусаффо бўлсин.

Эл-юртимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда
янгидан янги зафарлар, оилангизга тинчлик,
хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз!

«САРАЙ - ПЛАСТИК» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

“МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ МИРОБОД ТУМАН БЎЛИНМАСИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни
Истиқлолимизнинг 23 йиллиги шодиёналари билан самимий
муборакбод этади. Юртимизга осудалик,
дастурхонимизга тўқинлик,
оиламизга файзу тароват тилайди.
Соғлом бола йилида Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган
маҳаллаларимиз бундан-да обод, хонадонларимиз осойишта,
тинч-тотув бўлсин.



ИПОТЕКА BANK

Mustaqillik 23 yil

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

ЮРТ ТАЯНЧИ

«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Ахмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маҳалла институтининг нуфузи ва обрўсини юксалтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини тобора кучайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси маҳаллалар фаолиятидаги ижобий ўзгаришларни юқори поғонага олиб чиқмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазибалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашнинг янги истиқболларини очмоқда.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг масъулиятлари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниб, ҳаётга кенг жорий этилгани маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантириш, унинг асосий йўналишлари бўйича ўнга яқин комиссиялар ишини такомиллаштириш, аҳоли манфаатларини тизимли ҳимоялашга оид ишларни давра руҳига ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Бу борадаги ишлар Соғлом бола йиллида янада кенг, изчил давом эттирилмоқда. Дастуқ доирасида оилада қадар хўрмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий ўқитиш муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожини йўлга қўрсатилаётган юксак эътибор юртимиздаги тинчлик ва оқилолликни сақлаш, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини, ёшлар тарбиясини тўғри шакллантиришдек масъулиятли вазибалар ижросини таъминлашда маҳаллаларнинг иштирокини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда маҳалланинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасидаги эзгу саноат-ҳаракатлар ушбу нобў ўзини ўзи бошқариш институтига халқаро миқёсда бўлган қизиқиш ва эътиборнинг тобора ортиб бораётганида асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика танловидан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилаётган юксак эътиборни тарғиб этиш, маҳаллалар фаолиятини чуқур ва атрофлича ўрганиш, илгор иш тажрибасини омаллаштириш, ушбу йўналишда самарали меҳнат қилаётган маҳалла жонқуярларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Танловда юртимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол қатнашди. Бу жараёнда истиқлол йилларида маҳаллалар фаолиятига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, имконият ва шароитлардан қай даражада унумли фойдаланилаётгани, уларнинг ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид миллий қонунчилигимизнинг ҳаётга нечоғли кенг жорий этилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. «Туркистон» саройи фойсесидан маҳаллалар фаолиятига оид стандартлар, фотоальбомлардан иборат махсус кўргазмалар ташкил этилди.

Бу йилги танловда бешта асосий ўрин бўйича ғолиблар аниқланди. Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Г.Шамсиева) биринчи ўринга лойиқ топилди. Навоий шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Ҳ.Мирзаева) иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайи» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди (раиси Б.Шамсидинов). Тўртинчи ўринга Сурхондарё вилояти Сарисой туманидаги «Бўйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси А.Ахмедова) муносиб топилди. Андижон вилояти Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Қ.Йўлдошева) бешинчи ўринни эгаллади.

Маҳалламизда салкам тўрт минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биринчи ўрин соҳибига Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Шамсиева. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳаллалар фаолиятига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик натижасида маҳалламизда янги ижтимоий объектлар, гузар, болалар спорт майдончаси барпо этилди. Тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни янада обод этиш, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимида зид ва бегона бўлган салбий иллатлардан асраш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби танловлар, рағбат ва эътибор ўз вазибаларига янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



RAVNAQ-BANK

Мустақиллик байрами муносабати билан Акция* эълон қилади

«Мустақиллик» жамғарма омонати

Омонат валютаси: Миллий валютаси - сўм.
Базавий фоиз ставкаси: Йиллик 20 % (фоиз).
*Ютуқлар тиражи натижасига кўра қўшимча ҳисобланадиган фоизлар: 1%, 5%, 10%
Омонат муддати: 12 (ўн икки) ой.
Омонатнинг минимал миқдори: 1 000 000 (бир миллион) сўм.

Акциянинг шартлари:

2014 йил 5 августдан то 1 октябргача «Мустақиллик» омонатини очган Акция иштирокчиси ютуқлар тиражидида иштирок этиб, йиллик 20% (фоиз) базавий ставкага қўшимча 1%, 5% ёки 10% гача ошириш ҳуқуқини берувчи ютуққа эга бўлади.

Ютуқлар тиражи 2014 йил 3 октябрда қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 2-уй. ХАТБ «Ravnaq-bank» офиси (мўлжал, Хадра майдони)
Акция* бўйича қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин: +99871 202 33 33, 202 44 44.

Омонатнинг қайтарилиши кафолати:

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан Банк томонидан омонатларга қабул қилинган пул маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг Омонатларни кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Жорий йилнинг 25 август — 7 сентябрь кунлари Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида теннис бўйича «Улкан тож» туркумига кирувчи дунёдаги тўртта энг йирик мусобақалардан бири — «US Open» халқаро турнирининг асосий тўр баҳслари ўтказилади.

Теннис

ДЕНИС ИСТОМИН «US OPEN» ТУРНИРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Мазкур нуфузли мусобақанинг яқкалик баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган Денис Истомин қўрға натижаларига кўра, дастлабки босқичда франциялик Ришар Гаске билан куч синашадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йили ўтказилган мазкур йирик мусобақада Денис Истомин нимчорак финалга қадар етиб келган эди. Ушанда ҳамюртимиз биринчи босқич-

да Николас Алмагро (Испания)ни 6:3, 6:1, 4:6, 6:3 ҳисобиди, иккинчи босқичда Тобиас Камке (Германия)ни 6:4, 6:2, 6:2 ҳисобиди, учинчи босқичда эса Андреас Сеппи (Италия)ни 6:3, 6:4, 2:6, 3:6, 6:1 ҳисобиди мағлуб этиб, 1/8 финалда Энди Маррей (Б.Британия)га тўрт сет натижаларига кўра, имкониятни бой берган эди.

«Туркистон-пресс»

Нанкин — 2014

МЕДАЛЛАРИМИЗ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ҳамюртимиз Тимур Қодиров бронза медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақанинг спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган баҳсларида муносиб иштирок этган спортчи-мизнинг алоҳида йўналишлари бўйича баҳарган машқлари ҳакамлар томонидан 13,8 баллга баҳоланди ва ҳамюртимиз Олимпия ўйинлари шохсупасига кўтарилди.

Шу кунга қадар ўзбекистонлик спортчилар дзюдо, ўқ отиш, таэквондо (WTF) ва оғир атлетика бўйича иккитадан олтин, кумуш ва бронза медал билан тақдирланган эди. Шунингдек, ёш олимпиячиларимиз бокс ва юнон-рум кураши беллашувларида ҳам совринли ўринлар учун даъвогарлик қилмоқда.

Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпионлиги Бектемир Мелиқўзиев ярим финалда Иляс Адзиевни техник нокаутга учратиб, финал йўлланмасига эга бўлди.

Вазни 49 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари

Тошкент вилоятидаги «Мустанг» от спорти клубида от спорти бўйича Ўзбекистон кубоги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларидан чавандозлар баҳслашди.

От спорти

МОҲИР ЧАВАНДОЗЛАР САРАЛАНДИ

Мусобақанинг баландлиги 120 сантиметр бўлган тўсиқлардан от сакратиш баҳсларида пойтахтлик Жасур Хотамбеков биринчи, Елена Йўлдошева иккинчи ва андижонлик Файзулло Рустамов учинчи ўринни қўлга киритди.

Баландлиги 110 сантиметрлик маррани забт этишда фарғоналик Шерзод Дадабоев икки от билан иштирок этиб, биринчи ва учинчи ўринларни эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин андижонлик Муҳаммадиёр Райимжоновга насиб этди.

(ЎЗА)



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

36-38 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 28 август кунги ҳаво бир рининг об-ҳаво шароити оз ўзгариб туради, ёғингар-шаҳар ҳаво муҳитида за-рарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко-ниёт яратилади, таъмиқдори кечаси — 17-19, кундузи — наст бўлади.

Тошкент ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Толпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ